



LEGAL FOUNDATIONS OF CRIMINAL LIABILITY FOR EXTREMIST ACTIVITIES

Nurumbetova Sadoqat Allayarovna

Scientific Secretary of the Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Philosophy (PhD) in Legal Sciences, Associate Professor

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14924550>

ARTICLE INFO

Received: 20th February 2025
Accepted: 24th February 2025
Online: 25th February 2025

KEYWORDS

Judicial system, crime, law, society, state, punishment, liability, extremism, information technology, specialized concepts, internet, database.

ABSTRACT

This article examines the criminal legal aspects of extremism, where fundamentalist movements, disguising themselves with religious slogans while seeking political power, attempt to negatively influence the socio-political situation in Central Asian countries, particularly in Uzbekistan. It also highlights significant aspects of national legislation addressing this issue.

ЭКСТРЕМИСТИК ФАОЛИЯТ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ЖИНОЙ ЖАВОБГАРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Нурумбетова Садоқат Аллаяровна

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар Вазирлиги Академияси Илмий котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14924550>

ARTICLE INFO

Received: 20th February 2025
Accepted: 24th February 2025
Online: 25th February 2025

KEYWORDS

Суд-ҳуқуқ, жиноят, қонун, жамият, давлат, жазо, жавобгарлик, экстремизм, ахборот технологиялари, махсус тушунчалар, интернет, маълумотлар банки.

ABSTRACT

Мақолада сиёсий ҳокимиятга интилаётган, диний шиорларни ниқоб қилиб олган ақидапараст оқимлар Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир ўтказишга ҳаракат қилиб келаётган экстремизм жиноятининг жиноий ҳуқуқий томонлари ҳамда ушбу масалада миллий қонунчиликнинг аҳамиятли томонлари кўрсатиб ўтилган.

Жамиятимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг таркибий қисми бўлган жиноий жазоларнинг либераллаштирилаётганлиги жиноят ҳуқуқи фани ва жиноят қонунларининг янада чуқурроқ ўрганилишини тақозо этади.

Ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуришнинг зарурий шарти — бу қонунларнинг сўзсиз бажарилишидир. Барчамизга маълумки жиноят қонунчилиги – Олий давлат ҳокимияти органи томонидан ўрнатилган жиноят деб ҳисобланадиган қилмишлар доираси, уларни содир этганлик учун жавобгарлик, жазо тайинлаш, жазо



турлари ва ҳажми, жинойй жавобгарлик ва жазодан озод қилиш асослари, шунингдек, жинойй жавобгарлик асослари ва принципларини белгиловчи ҳуқуқ нормалари мажмуидан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тизимидаги мустақил қонунчилик соҳасидир. Мамлакатимизда содир этилган ҳар бир жинойят учун жавобгарлик муқаррар эканлиги белгилаб қўйилган. Шу жумладан экстремистик фаолият билан боғлиқ жинойятлар учун ҳам.

Сиёсий ҳокимиятга интилаётган, диний шиорларни ниқоб қилиб олган ақидапараст оқимлар Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятга салбий таъсир ўтказишга ҳаракат қилмоқда. Мутаассиб оқимлар хорижий мамлакатлардаги меҳнат мигрантларини таъсир доирасига олиш, “Интернет” орқали тарғибот ўтказиш, турли инсонлар оила аъзолари, яқинлари ва қўшниларини ўз гуруҳига тортиш, яширин “ҳужралар” ташкил этиш, диний-экстремистик мазмундаги материалларни босма, электрон кўринишда тарқатишга уринмоқда.

Мутахассисларнинг фикрича, ҳозирда дунёда 100 мингдан ортиқ экстремизмнинг турли кўринишларини ўзида ташувчи ғоялар тарғиботи билан шуғулланувчи сайтлар фаолият олиб бормоқда. Интернет орқали суҳбат олиб бориш жараёнида ёшларга куфр диёри, ҳижрат, жиҳод, шаҳидлик, халифаликни тиклаш каби ғоялар сингдирилиб, улар турли тўқнашув ва низо ўчоқларига жалб қилинмоқда. Муайян сиёсий кучларнинг ноғорасига ўйнаётган ақидапараст, дийдаси қотган, мустақил фикрлашдан маҳрум, раҳнамоларининг ҳар қандай буйруқларини қонун деб билувчи зомби жангарилардан тинч минтақаларда ҳам турли низолар ва беқарорликларни келтириб чиқаришда фойдаланиш мақсади бугун кўпчиликка аён ҳақиқатдир. Айниқса, “жиҳодчи” гуруҳлар ўз сафига янги шахсларни жалб этишда интернет ва ижтимоий тармоқлардан кенг фойдаланмоқда. Турли интернет сайтлари, “Одноклассник”, “Твиттер” каби ижтимоий сайтларда ташкил этилган турли номлардаги форум ва гуруҳлар, “You Tube” порталидан кенг фойдаланилмоқда. Мазкур гуруҳларнинг тарғиботчилари кўп вақтини интернетда ўтказувчи, вақтинча ишсиз, хорижда пул топиш илинжида юрган ва ижтимоий ҳолатдан норози шахсларни ўз сафларига қўшиш мақсадида улар билан гўёки “мусулмонларнинг азобланаётгани” ҳақида суҳбатлар олиб борадилар. Сўнгра ислом оламидаги “муаммолар” санаб ўтилиб, айбдорлар сифатида дунёвий давлат ва жамият кўрсатилади. Бундан кейин эса барча муаммоларнинг “ечими” сифатида “кофирларга” қарши “жиҳод” қилиш таклиф этилади. Бунинг учун эса, авваламбор, “ҳижрат” қилиш лозимлиги уқтирилади. Билимсиз, ўз мустақил фикри ва атрофдаги ҳодисаларни таҳлил этиш малакасига эга бўлмаган ёшлар бундай даъватларга учиб, ақидапараст оқимларга мойил бўла бошлайдилар. Қисқа қилиб айтганда “ижтимоий тармоқлар” “экстремистик қармоқлар” вазифасини ўтамоқда.

Миллий қонунчилигимизда экстремистик фаолият бу - Жинойят кодексининг 2441, 2442, 2443-моддалари таркибидаги ва шу билан бирга Ўзбекистон Республикасининг “Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунга кўра Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми асосларини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини бузишга, ҳокимият ваколатларини эгаллашга ёки ўзлаштиришга, қонунга хилоф қуроли тузилмалар тузишга ёки уларда иштирок



этишга, террорчилик фаолиятини амалга оширишга, зўрлик ёки зўрлик ишлатишга ошкора даъват қилиш билан боғлиқ ҳолда миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзғатишга, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга, шунингдек экстремистик ташкилотларнинг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга, бирор-бир ижтимоий гуруҳга нисбатан сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий, этник ёки диний адоват ёхуд душманлик сабабли оммавий тартибсизликларни амалга оширишга қаратилган ҳаракатлардир.

Санаб ўтилганлар асосий ҳужжатлар бўлишига қарамай Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 5 июлдаги “виждон эркинлиги тўғрисида”ги №699-сонли қонуни, судлар фаолияти учун 2021 йил 27 ноябрдаги “Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги №32-сонли Олий суд пленумининг қарори ҳам мавжуд.

Бу ҳуқуқий асослар энг аввало Ўзбекистон Республикаси конституциясидан келиб чиқиб қабул қилинган. Ўз ўрнида янги конституциянинг 31-моддасига кўра ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди. Конституциянинг 57-моддасига кўра Конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи, республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи, урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи, шунингдек ҳарбийлаштирилган бирлашмаларнинг, миллий ва диний руҳдаги сиёсий партияларнинг ҳамда жамоат бирлашмаларининг тузилиши ва фаолияти тақиқланади.

Экстремизмга қарши кураш давлат ва конституциявий тузумни мустаҳкамлаш, фуқаролар ва миллатлараро тинчликни, ҳудудий яхлитликни таъминлаш, демократик сиёсий тизимни ривожлантиришга бўлган эътиборни кучайтиришни талаб қилади. Республикамизда экстремизмга қарши кураш асослари, усуллари таҳлил қилинганда, мафкуравий, ижтимоий-иқтисодий, жиноий-ҳуқуқий, маъмурий-ҳуқуқий усуллар қўлланилаётганлигининг гувоҳи бўламиз. Улар бир тарафдан экстремизмнинг тарқалишига олиб келадиган сабаб ва шароитларни бартараф этишга қаратилган бўлса, бошқа тарафдан экстремистик ҳаракатларни амалга ошираётган шахслар, гуруҳлар ва ташкилотларга қарши маъмурий-ҳуқуқий ва суд идоралари томонидан олиб борилмоқда. Экстремизмга қарши курашдан комплекс чора-тадбирларнинг муҳим асосий қисми норматив-ҳуқуқий асосни яратиш, ривожлантириш ва амалга татбиқ этиш ҳисобланади. Республикамизда экстремизмга қарши курашнинг норматив ҳуқуқий асосини тартибга солишга, жамоат тартиби ва хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниб, экстремизм ва фундаментализмга қарши кураш барча имкониятлар сафарбар этилган ҳолда олиб борилмоқда.

Экстремизмга қарши кураш нафақат маъмурий ёки жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган қонунларда, балки бошқа қонуний ҳужжатларда ҳам ўз аксини топган. Масалан, 2007 йил 16 январдан кучга кирган янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонуннинг 6-моддасига кўра, оммавий ахборот воситаларида



Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват қилиш, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғояларини тарғиб қилинишига йўл қўйилмайди (Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 26.12.08 й).

Шунингдек, «Ахборот эркинлигининг принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги қонуннинг 14-моддаси билан давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигининг таъминланиш йўллари ҳам кўрсатилган. Булар:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлигини, суверенитетини бузишга;

ҳокимиятни эгаллашга ёки қонуний равишда сайлаб қўйилган ёхуд тайинланган ҳокимият вакиллари ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга очиқдан-очиқ даъват этишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишидан ҳимоя қилиш;

урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишни, ижтимоий, миллий, ирсий ва диний адоват уйғотишга қаратилган, терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишни ўз ичига олган ахборот тарқатилишига қарши ҳаракатлар қилиш.

Экстремизмга қарши кураш турли қонун меъёрларини такомиллаштириш билангина эмас, балки аҳолини мафкуравий, ғоявий ва информацион хуружлардан ҳимоя қилиш йўллари билан ҳам олиб борилмоқда. Жумладан, бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 август кунги «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорини эътироф этиш зарур.

Ўз ўрнида юртимизда ижтимоий-маънавий ва диний вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш, турли диний экстремистик оқимларга қарши курашни янада фаоллаштириш ҳамда ёшларни ёт ғояларга қўшилиб кетишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги ишларни амалга ошириш зарур:

– жойларда вазиятнинг барқарорлигини таъминлаш бўйича мутасадди ташкилот ва идоралар амалий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш;

– ўқув муассасалари, маҳалла йиғинлари, корхона ва ташкилотларда ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қаратилган маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш;

– таълим муассасаларида “Тинчлик энг олий неъмат”, “Исломда экстремизм ва терроризмга ўрин йўқ”, “Диний-экстремистик оқимлар – давлат ва жамиятга таҳдид” каби мавзуларда давра суҳбати ва семинар-машғулотлар сон ва сифатини ошириш, тадбирларда диний экстремистик ва террористик гуруҳларнинг асл қиёфасини фойдаланиш, тадбирларда диний экстремистик ва террористик гуруҳларнинг асл қиёфасини фойдаланиш;

– маҳаллий ОАВда диний экстремизм ва миссионерлик ғояларининг жамиятга таҳдиди ҳақида давра суҳбатлари ташкил этиш, халқаро терроризм ҳамда диний экстремизм ғоялари замирида ғаразли геосиёсий мақсадлар ётганлиги, ақидапарастлар исломни бузиб талқин қилишларини асосли тарзда фойдаланиш чўкишларни қўпайтириш.



Ҳар бир жиноятнинг моддий томони бўлгани каби экстремизм билан боғлиқ жиноятларни ҳам молиялаштириш мавжуд. Бироқ бугунги кунда ушбу турдаги жиноятни молиялаштирганлик бўйича етарлича ҳуқуқий асос ишлаб чиқилмаган.

Хусусан, 2021 йил 27 ноябрдаги “Терроризм ва экстремизмни молиялаштиришга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги №32-сонли Олий суд пленумининг қарорига кўра экстремизмни молиялаштириш бўйича экстремистик фаолиятнинг мавжуд бўлишини ва фаолият кўрсатишини, шахсларнинг экстремистик фаолиятда иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишини ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишини таъминлашга, экстремистик ташкилотларга ёки экстремистик фаолиятга кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағларни, ресурсларни беришга ёхуд йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган молиявий ҳаракатлар инobatга олиниши назарда тутилган. Лекин ҳисоб китоб масаласида нақд пуллар ёки электрон ҳисоб рақамлари бўйича олиб борилган фаолият масалалари тартибга солинмаган. Амалиётда асосан экстремистик оқим иштирокчлари ёки ташкилот аъзолари фаолиятни моддий маблағ билан таъминлашда бошқа жиноятлар сояси остида ҳам содир этиш ҳолатлари кузатилмоқда, асосан фирибгарлик жинояти билан. Яъни шахслардан ҳашар учун, қимматбаҳо тиббий операция (жарроҳлик амалиёти) учун ёхуд мактаб, масжад қуриш учун деб пластик карталарга пул ўтказиш амалиётининг илгарилаб бораётганлигини кузатиш мумкин. Лекин бу жиноятнинг ортида яна бир жиноят экстремистик фаолиятни таъминлаш келиб чиқаётганлигини кўриш мумкин. Бу каби мисолларнинг, тергов амалиёти учун экстремистик фаолиятни молиялаштирганлик ҳолатлари учун жиноий жавобгарликни белгилашда асосий қонуннинг мавжудлигини таъминлаш мақсадида “Экстремизмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида”ги қонунни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш лозим.

References:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси [Интернет]. [cited 2024 Apr 5]. Available from: <https://lex.uz/docs/-111453>.
2. ЎРҚ-442-сон 06.09.2017. Суриштирув институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида [Internet]. [cited 2024 Apr 5]. Available from: <https://lex.uz/docs/-3328284>.
3. Исматов Б.А. Ички ишлар органларининг тергов бўлинмаларида амалга оширилаётган ислохотлар. 2022; Volume 3.:1026–32.
4. Жолдасов А.Ф. Жамоат хавфсизлиги: тушунчаси, таърифи ва ўзига хос хусусиятлари. Academic Research in Educational Sciences. 2021;VOLUME 2:1163–74.
5. Позднишев А.Н. Институт государственной службы в сфере обеспечения общественной безопасности (теоретико-методологические проблемы) [Дис... д-ра. юрид. наук]. [М.]; 2003.
6. Босхамджиева Н.А. Административно-правовые основы обеспечения общественной безопасности в Российской Федерации [дис... докт. юрид. наук]. [М.]; 2013.



7. ЎРҚ-489-сон 30.07.2018. Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида [Интернет].
[cited 2024 Apr 5].